

VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 12 829 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 12 008 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,6 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 19,5 фоизи), саноат (15,0 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (14,3 фоизи) ва қурилиш (9,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан фоизда	бирлик	жамига нисбатан фоизда
Жами	12 829	100,0	12 008,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 829	14,3	1 679	14,0
саноат	1 927	15,0	1 812	15,1
қурилиш	1 199	9,3	1 150	9,6
савдо	2 499	19,5	2 265	18,9
ташиш ва сақлаш	501	3,9	470	3,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	886	6,9	806	6,7
ахборот ва алоқа	186	1,4	155	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	191	1,5	190	1,6
бошқа фаолият турлари	3 611	28,1	3 481	29,0

2018 йил 1 январь ҳолатига 10 119 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 4 019 та, оилавий корхона – 373 та, масъулияти чекланган жамият – 5 355 та, акционерлик жамияти – 20 тани ташкил этади. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатида 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари таркибида хусусий корхоналар сони 97 тага, бошқа тижорат корхоналари сони 20 тага камайган.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг
ташкилий ҳуқуқий шакллари**

1 январь ҳолатига



2017 йилнинг январь-декабрида жами 2 056 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 776 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 23,7 фоизи), Ш.Рашидов (15,4 фоизи), Зомин (10,3 фоизи) ва Фориш (9,4 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 28,5 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 19,9 фоизи саноат ва 12,1 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1 105 та мингта корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 160 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 14,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2018 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 82 тани ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 13 тани ташкил этди. Бунда, АҚШ резидентлари капитали иштирокида – 5 та, Хитой Халқ Республикаси – 5 та, Вьетнам – 3 та, Россия Федерацияси – 3 та, Туркия Республикаси – 1 та, Миср Араб Республикаси 1 та, Қозоқистон Республикаси 1 та янги корхона тўғри келди.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**

2018 йил 1 январь ҳолатига

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан, %</i>
Жами	82,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	6	7,3
Саноат	63	76,8
Қурилиш	2	2,4
Савдо	4	4,9
Ташиш ва сақлаш	3	3,7
Ахборот ва алоқа	1	1,2
Бошқа фаолият турлари	3	3,7

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 82 та корхонанинг 63 таси (76,8 фоизи) – саноат, 6 таси (7,3 фоизи) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 4 таси (4,9 фоизи) – савдо, 3 таси (3,7 фоизи) – ташиш ва сақлаш, 2 таси (2,4 фоизи) – қурилиш, 1 таси (1,2 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига тўғри келади.